# Тошкент оқшоми

2019 йил 14 январь, душанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 7 (13.854)

Баҳоси эркин нархда


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

*Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимизнинг муҳтарам фахрийлари!*

*Қадрли юртдошлар!*

*Сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.*

*Ушбу қутлуғ айёмда ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек улуғ ишга бағишлаган сиз, азму шижоатли ҳарбийларимизни шарафлаб, халқимиз, мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлиги йўлидаги хизматларингиз учун барчангизга чуқур миннатдорлик билдираман.*

*Мутафаккир шоир Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, бу дунёда эр йигитнинг энг буюк, эзгу ва муқаддас вазифаси, аввало, ўз оиласи, Ватани ва халқини муносиб ҳимоя қилишдан иборатдир.*

*Биз сизлар билан – ана шундай ғоят масъулиятли ва олижаноб вазифани шараф билан адо этиб келаётган мард ва жасур, эл-юртга садоқатли ўғлонларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.*

*Айнан сизларнинг ерда ва кўкда, сувда ва қуруқликда олиб бораётган мардона хизматларингиз туфайли осмонимиз мусаффо, болаларимиз, мўътабар оналаримиз, кексаларимиз хотиржам яшамоқда, юртимиз обод, халқимиз ҳаёти фаровон бўлмоқда.*

*Фурсатдан фойдаланиб, ўз фарзандларини – Қуролли Кучларимизнинг аскар ва офицерларини Алпомишдек ботир, чинакам ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаган барча ота-оналарга, ҳарбийларимиз билан ҳаёт қувончи ва ташвишларини доимо баҳам кўриб келаётган уларнинг рафиқалари ва оила аъзоларига катта раҳмат айтишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.*

*Муҳтарам ватандошлар!*

*Мана шу байрам кунларида барчамиз Ватан, халқ ва армия бири-бирига нақадар яқин ва муштарак эканини ҳар қачонгидан ҳам теран ҳис этмоқдамиз.*

*Бу борада армия ва халқ бирлигини таъминлашга қаратилган мутлақо янги тузилма – ҳарбий-маъмурий секторлар барча ҳудудларда самарали фаолият юритаётгани ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.*

*Ана шундай ислоҳотлар туфайли **“Армия ва халқ – бир тану бир жон!”** деган олижаноб ғоя ва амалий ҳаракат барча бўғиндаги ҳокимият ва бошқарув идоралари, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, нуронийлар ташкилотлари, таълим-тарбия муассасалари фаолиятини, кенг жамоатчилик ҳаётини қамраб олмоқда. Бу эса Ватан ҳимояси чиндан ҳам барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки шарафли бурчимизга айланиб бораётганидан яққол далолат беради.*

*Қадрли дўстлар!*

*Дунё миқёсида халқаро терроризм, экстремизм каби хавф-хатарлар, миллий ва глобал хавфсизликка қарши таҳдидлар тобора ортиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини юксалтириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий қурол-яроғ ва аслаҳалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний, маънавий-интеллектуал тайёргарлигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш энг устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда.*

*Давлатимизнинг ҳарбий-сиёсий масалалар бўйича қатъий позициясини ифода этадиган янги Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилди. Амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида миллий армиямиз тезкор ва ихчам, ҳар қандай таҳдидларга муносиб зарба беришга қодир бўлган жанговар кучга айланиб бормоқда.*

*Барчамиз яхши англаймиз: бу борада ҳар бир ҳарбий хизматчининг профессионал билим ва малакаси, ақлий салоҳияти, руҳий тайёргарлигини ошириш, уларда ватанпарварлик фазилатларини камол топтириш ўта муҳим аҳамиятга эгадир.*

*Биз давлатимиз мудофаа қудратини ҳар томонлама ошириш, етук ва малакали ҳарбий кадрларни тайёрлашга, Ватан ҳимоячилари, уларнинг оилалари учун муносиб ҳаёт шароитларини яратишга бундан кейин ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Масалан, 2019 йилнинг ўзида ҳарбий хизматчилар учун имтиёзли кредитлар асосида 116 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилади. Ҳарбий хизматчиларнинг 700 дан зиёд фарзандлари олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади. Шунингдек, ҳарбий шаҳарчаларни обод қилиш, уларнинг ҳудудида замонавий инфратузилмалар барпо этиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар изчил давом эттирилади.*

*Халқимизнинг **“Билаги зўр бирни енгади, билими зўр – мингни”** деган мақолида чуқур маъно бор. Шу нуқтаи назардан, Қуролли Кучларимизни модернизация қилиш, хусусан, ҳарбий таълим соҳасига замонавий билим, илғор хорижий тажрибалар, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича бошлаган ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур.*

*Айни вақтда шахсий таркиб ўртасида миллий ўзликни англаш ва жанговар руҳни, ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Шу мақсадда ёш аскар ва курсантлар учун ҳарбий қасамёд қабул қилишдан аввал “Ўзбекистон тарихи” фани ва “Темур тузуклари” китоби бўйича синов ўтказиш тартибини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.*

*Халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш, ушбу соҳадаги қадрият ва анъаналаримизни тарғиб этиш, аскар ва офицерларимизнинг замон қаҳрамонлари сифатидаги қиёфасини бадиий асарлар, спектакль ва фильмлар орқали кенг ёритиб бериш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада таниқли олимлар, адиб ва шоирларимиз, ижодкор зиёлилар, маданият намояндалари янада самарали фаолият олиб борадилар, деб ишонч билдираман.*

*Қадрли юртдошлар!*

*Мард ва жасур Ватан ҳимоячилари!*

*Сизларни ота-оналарингиз, оилаларингиз, бутун халқимиз билан биргаликда кенг нишонлаётган бугунги шону шараф айёми – Ватан ҳимоячилари куни билан яна бир бор табриклар эканман, сизларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, олижаноб ва масъулиятли фаолиятингизда улкан ютуқлар тилайман.*

*Барчангизга эл-юртимизнинг юксак меҳри ва ишончи доимо ёр бўлсин!*

***Шавкат МИРЗИЁЕВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти,***
***Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони***

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш ишларига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ҳамда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги хизмат бурчини бажаришда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### II даражали “Шон-шараф” ордени билан

**Гопоров Мираббос Турғуналиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Дусимбетов Ахмаджон Бахтиярович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Якубов Журъат Амангелдиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

### “Дўстлик” ордени билан

**Аракелян Армен Арамович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командирининг ўринбосари

**Тян Александр Вячеславович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий аппарати бўлим бошлиғи

**Шувалов Вячеслав Станиславович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий аппарати бошқарма бошлиғи

### “Мардлик” ордени билан

**Игамбердиев Фаррух Рихсибаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Матмуратов Сардор Багандикович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Муродов Тошпўлот Шомуродович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда республика иқтисодиётида давлатнинг роли ва иштирокини қисқартириш, иқтисодиёт тармоқларини бошқаришга бозор принциплари ва механизмларини кенг жорий қилиш, шунингдек, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, иқтисодиёт органларининг амалдаги тузилмаси, уларнинг ишини ташкил қилиш принцип ва усуллари иқтисодиётни бошқаришнинг замонавий талабларига, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларидаги тузилмавий ўзгартиришларга жавоб бермайди.

*(Давоми 3-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Олиб борилаётган таркибий ислоҳотлар доирасида йирик стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан бир қаторда шаҳарлар аҳолиси фаровонлигининг ўсиши ва барқарор ривожланишига етакловчи омил сифатида урбанизация жараёни тегишли даражада ҳисобга олинмаган. Натижада сўнгги йилларда урбанизация даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда, шаҳар аҳоли пунктлари сони эса атиги 1065 дан 1071 гача кўпайган.

*(Давоми 3-бетда)*

**14 январь – Ватан ҳимоячилари куни**

## ЮРТИМИЗНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАЛҚОНИ

***Ўтган асрнинг 70-йиллари охири 80-йиллар бошлари эди. 6-7 яшар қизалоқман. Уйимизда 3-4 киши йиғилса, “афғон уруши” ҳақида гап очилар, катталар қандайдир бир мунг, изтироб билан “йўқ жойдан юртга келган бу бало” ҳақида гаплашаётганларини кўриб, биз, болалар ҳам гўё уруш бошлангандек ваҳимага тушардик.***



Бу бемаъни, бемантиқ уруш мустабид тузум, тоталитар режим сиёсатининг оқибати эди. Шўро тузуми ўз мавқеини кенгайтириш мақсадида ҳарбий қўшинларини жабрдийда Афғонистон ерига киритади. Афғонистонни ўзига осонликча қарам қила олмагач, 1989 йили шарманда бўлиб, у ердан қўшинини олиб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Лекин бу машъум уруш собиқ иттифоқ республикаларидан 15 мингга яқин йигитнинг ҳаётига зомин бўлди, салкам 37 минг навқирон ўғлон майиб-мажруҳ бўлиб уйга қайтди. Ўн йил давом этган бу жангу жадаллар ўзбек халқи бошига чексиз фожиа ва мусибатлар келтирди. Афғон урушида халқимизнинг бир ярим мингдан зиёд ўғлони қурбон бўлди, темир тобутлар бир ярим минг хонадонга қайғу олиб келди, минглаб алпқомат йигитлар ярадор, ногирон бўлиб қайтди. Юртнинг эндигина ўн саккиз ёшга қадам қўйган ўғлонлари айни ҳаётни таниган бир маҳалда ўлим ҳақида ўйлашга маҳкум этилди. Талабалик давримда афғон урушида хизмат қилган 6 нафар курсдошимиз бор эди. Улар ёшлик завқини сурмай, ўлимга рўбару, ажал сўқмоқларида саргардон қилган ўша тузумга лаънатлар айтишар, ўзларини “шўронинг ўгай ўғлонлари” деб аташарди. Бу йигитлар ҳам урушнинг қалбан, руҳан қурбон бўлиб қайтган иштирокчилари эди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизнинг ҳеч кимга дахл қилмайдиган, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмайдиган, уларнинг суверенитети ва мустақиллигини ҳурмат қиладиган тинчликсевар давлат эканлиги, давлатлараро чегараларнинг ўзгармаслиги принципини тан олиши расман эълон қилинди. Ўзбекистон мамлакатимиз ташқи сиёсатида ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиқиб, турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянсларга қўшилмаган ҳолда ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлди, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймайди. Давлатимиз очиқ, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бормоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Сирдарё вилояти Сирдарё туманида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Маънавият ва маърифат маркази, Маданият ҳамда Мудофаа вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, ижодкорлар, ёшлар иштирок этди.**

**• Термизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун қурилган кўп қаватли янги уй фойдаланишга топширилди. Ватан ҳимоячилари куни олдидан фойдаланишга топширилган 90 хонадонли янги уйда ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун барча шароит яратилган. Бундай қулайликлардан ҳарбийларнинг оила аъзолари жуда мамнун.**

**• Фарғонада “Ўзбекистон – Хитой: минтақалар ҳамкорлиги” деб номланган фотокўргазма иш бошлади. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлик муносабатлари кенг кўлам касб этиб, стратегик шериклик алоқалари юксак даражага кўтарилаётгани таъкидланди.**

**• Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилояти мусиқали драма театрида ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, соҳага оид ҳужжатлар ижросини таъминлашда ходимлар масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Бир гуруҳ америкалик олимлар кўп миқдорда истеъмол қилинган сув ўлим хавфини юзага келтиришини аниқлашди ва ҳаддан зиёд сув ичиш организм учун фойдали деган фикрни йўққа чиқаришди. Зеро, организмдаги ортиқча суюқлик саломатликка салбий таъсир этиб, мия фаолиятига зиён етказиши мумкин. Мутахассислар соғлом буйрак соатига 800 – 1000 миллилитр сувни қайта ишлаши, агар меъёридан ошса организм уни ҳазм қилолмай қолиши мумкинлигини таъкидлашди. Қолаверса, ортиқча сув орқали танадаги витамин ва микроэлементлар ювилиб кетади.**

**• Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс штатида рокн-ролл қироли Элвис Пресли қиёфадошларининг танлови бўлиб ўтди. Мингдан ортиқ қиёфадошлар иштирок этган фестиваль доирасида турли кўнгилочар тадбирлар, концерт дастурлари, автомобиллар паради, кўчаларда ярмаркалар ташкил этилди.**

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

*• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 январдаги қарорига кўра Тошкент шаҳрида Амити университети ташкил этилди. Университетда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, биринчи навбатда, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, ахборот тизимлари ва компьютер тармоқларини бошқариш бўйича халқаро стандартлар даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрланади.*

*• “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ 2019-2021 йилларда иккита Talgo-250 тезюрар поезди ва тўртта эконом-класс вагонини сотиб олишни режалаштирди.*

*• Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ташаббуси билан 243-умумтаълим мактабида Олмазор туманидаги умумий ўрта мактабларининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари учун давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасининг мазмун-моҳияти, соҳаларда 2019 йилда амалга оширилиши режалаштирилган вазифаларга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**Турдиев Луқмонжон Қодиралиевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Хасанов Ижод Уткурович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий аппарати бўлим бошлиғи

### “Жасорат” медали билан

**Абдуразаков Фарход Азатович** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси катта ўқитувчиси

**Атажанов Дурдибой Рузимбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Ахмедов Азиз Акмалович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Бердиев Зохириддин Салойиддинович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Дадабоев Икромжон Алиёрович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Даулетназаров Сапарбай Конратбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батареяси командири

**Ибрагимов Хуршид Рашидович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Исаджанов Бекзод Ибрагимович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Караханов Улугбек Акбарджанович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Каримов Азамат Очилбекович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

**Каримов Файзулло Эгамбердиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батареяси командири

**Каримов Эркин Икромбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм мутахассиси

**Ким Дмитрий Вячеславович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Қўчқаров Шахриёр Бахтиярович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби базаси бошлиғининг ўринбосари

**Мажидов Эркин Аъзамович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Маликов Жахонгир Мирзамуротович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби катта инспектори

**Назаров Ферузбек Махсудбекович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Сатторов Анвар Мансурович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Солиев Алишер Раҳимович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Турсунов Хамдамжон Халимжонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Ўрақов Нодир Абдуманнон ўғли** – Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ходими

**Файзуллаев Умиджон Қахрамонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батареяси командири

**Худайбердиев Уткир Тошмурадович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Худойберганов Хусанбой Мухамадович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Эллиев Кулдош Абдирозикович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

### “Содиқ хизматлари учун” медали билан

**Абдумаликов Абдумажит Худайберганович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази бўлим бошлиғи

**Адилов Хусен Нормахмадович** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби Марказий қўмондонлик пункти тезкор навбатчиси

**Акбалаев Дониёр Махмудович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий аппарати бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Ашуров Шухрат Саттарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Бегашев Фахриддин Содиқович** – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

**Ғоибназаров Мақсуд Маманазарович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ командири

**Джумаев Сафар Кенжаевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ командири

**Камалов Қахрамон Ўктамович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг нейрожарроҳлик бўлими бошлиғи – бош нейрожарроҳи

**Куватов Алишер Джумабаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи ҳайдовчи-мутахассиси

**Мадрахимов Шерзод Усмоналиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Махамадзияев Тапил Равшанович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хизмати бошлиғи

**Набиев Абдуқахор Хасанович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Нематиллаев Шухратжон Кодирович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий аппарати бўлим бошлиғи

**Нормуродов Суннатулла Зокирович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси командири

**Садатов Сафарбой Насруллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги батальон командири

**Солиев Ахроржон Боходирович** – Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультети кафедраси бошлиғи

**Суяров Зайниддин Холбутаевич** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси цикли бошлиғи

**Ташходжаев Дониёр Бахтиярович** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Утемуратов Мамангелди Тауекелович** – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи

**Хан Павел Афанасевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги спорт клуби тренер-ўқитувчиси

**Хусаинов Дониёр Хасанович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий аппарати бошқарма бошлиғи

**Шаймарданов Элмурот Эргашевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара райони штаб бошлиғининг ўринбосари

**Эралиев Азат Пулатович** – Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти кафедра бошлиғининг ўринбосари

### “Шуҳрат” медали билан

**Алимов Равшан Козимович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Андижон вилояти божхона бошқармаси бўлими бошлиғи

**Аллаев Бобир Абдивойидович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси мутахассиси

**Бакаев Анвар Мусулманович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Валиев Алимхон Аллоханович** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби Ҳарбий-стратегик тадқиқотлар ва илмий ишлар маркази бош мутахассиси

**Жалилов Рашидбек Равшанбек ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ командирининг ўринбосари

**Журакулов Одилбек Равшанович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Самарқанд ҳарбий госпитали бўлинмаси бошлиғи

**Кодиров Аброрбек Абдулхакимович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Кучкаров Нозимжон Ғуломқодирович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм қўриқлаш гуруҳининг қоровул бошлиғи

**Махмудов Махмуджон Тохирович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи командири

**Негматов Шерзод Бозорбой ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара пости радиотелефонисти

**Норматов Низомжон Хайруллоевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Раимкулов Улуғбек Тургунович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командирининг ўринбосари

**Рахимов Ибодилло Бахшиллоевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмати бошлиғи

**Рахимов Рустамбек Рузибоевич** – Андижон вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси йўриқчи-қутқарувчиси

**Саидова Фотима Халимовна** – Самарқанд вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси мутахассиси

**Солиев Мирзохид Абдурашидович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряди мутахассиси

**Темиров Жонибек Махамматкул ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Тураев Гани Толибович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедра бошлиғи

**Усмонов Камол Хошим ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти кафедра бошлиғи

**Утегенов Алляр Утебаевич** – Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фельдшер-қутқарувчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2019 йил 11 январь*

## 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

# ЮРТИМИЗНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАЛҚОНИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов фармони билан 1991 йил 6 сентябрь куни Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилган. Буюк Юртбошимизнинг 1992 йил 14 январдаги қарорига мувофиқ, мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тасарруфига ўтказилган.

Ана шу тарихий кун – 14 январь мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни сифатида кенг нишонланиб келинмоқда.

Мустақиллик остонасида мамлакат ҳарбий қўшинлари анчагина танг аҳволда эди. 90-йилларнинг бошида маҳаллий ҳарбий кадрлар республика аҳолиси умумий сонининг 0,6 фоизинигина ташкил этган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган қўшилма ва ҳарбий қисмлар Ўзбекистон Республикаси тасарруфига ўтган даврда маҳаллий ҳарбийлар сони 30 фоиздан ошмасди. Ўзбекистонда бор-йўғи учта олий ҳарбий билим юрти – Тошкент умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти мавжуд эди. Мустақиллик йилларида бир қатор янги ҳарбий олий таълим билим юртлари – Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги махсус факультет, тўртта сержантлар тайёрлаш мактаби ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига асосан ҳарбий хизмат даврида жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича юқори натижаларга эришган, муддатли ҳарбий хизматни тамомлаб, белгиланган шаклдаги тавсияномага эга бўлган фуқароларга олий таълим муассасаларига ўқишга кириш тест синовларида бир қатор қўшимча имтиёзлар берилади.

Кейинги йилларда миллий армияни изчил қуриш ва ислоҳ этиш Қуролли Кучларнинг қиёфаси, ташкилий тузилиши, қўшинларни бошқариш тизими, ҳарбий кадрларни тайёрлашни тубдан ўзгартиришга, қўшинларни қурол-аслаҳа ва техниканинг энг янги намуналари билан таъминлашга имкон берди. Ўтган йилда республикамизнинг геостратегик жойлашуви, шунингдек, минтақада юзага келаётган ҳарбий-сиёсий вазиятни ҳисобга олиб, ҳарбий округлар ҳамда ҳарбий-ҳаво кучлари ва ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг тузилиши ва вазифалари қайта кўриб чиқилди, Миллий гвардия ташкил этилди, қўшинларни қурол-аслаҳа ва техниканинг энг замонавий намуналари билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Олий ҳарбий таълим муассасаларида таълим олиш учун юксак ақл-заковат ва етакчилик қобилиятига эга бўлган ёшларни аниқлаш ҳамда муносибларини танлаб олишга талаб оширилди. Ҳарбий академик лицейларни ислоҳ қилиш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 июлдаги фармонига мувофиқ, барча академик лицейларга "Темурбеклар мактаби" номи берилди. Мамлакатимиздаги 29 академик лицей ва касб-ҳунар коллежида махсус гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳарбий хизматчилар билимини юксалтириш, касб маҳоратини янада ошириш учун кўрик-танлов ва мусобақалар мунтазам ташкил этилмоқда. Ушбу тадбирларга 2 минг 500 нафардан зиёд хизматчи қамраб олинган.

Ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларининг ижтимоий ҳимояси давлат томонидан кафолатланди. Ҳатто резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам алоҳида эътиборга олинган. Ҳарбий хизматчилар учун кўп қаватли турар жой бинолари қуриш дастури тасдиқланди. Дастурга мувофиқ, ҳар йили минглаб ҳарбий хизматчиларнинг оиласи учун турар жойлар барпо этилмоқда.

Армия мактабини ўтаган ёшлар билан узлуксиз алоқани йўлга қўйиш мақсадида муддатли хизматдан қайтган фуқароларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича зарур ишлар олиб борилаётир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

2017 йилда Миллий гвардия ва Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси ташкил этилди, ҳарбий округларнинг таркибий тузилиши ва вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилди, қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, улар босқичма-босқич замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланмоқда.

Бунинг натижаси эса дунё миқёсида эътироф этилмоқда. Global firepower таҳлил компанияси рейтингига кўра, Ўзбекистон армияси ҳарбий қудрати бўйича 2016 йилда 54-, 2017 йилда 48-ўринни эгаллаган. 2018 йилда ўз позициясини 15 даражага кўтарган ҳолда Ўзбекистон Марказий Осиёнинг энг қудратли ҳарбий давлати деб топилди. Дунё рейтингида Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон каби Марказий Осиё давлатларини катта тафовут билан ортда қолдириб, 39-ўринни забт этди.

Ўзбекистон мафкуравий тамойиллар сабабли рўй бераётган турли тўқнашувларга ўзининг жалб этилишига ҳамда қўшни давлатлар ва ҳудудлар билан чегаралардаги қуролли можаролар ва кескинлик ўчоқларида мамлакатимизнинг иштирок этишига йўл қўймайди, яхши қўшничилик, юзага келадиган низоларни фақатгина тинч йўл билан бартараф этишнинг қатъий тарафдоридир.

Бугунги кунда Ватан ҳимоячиси бўлиш ҳар бир йигит учун нафақат конституциявий бурч, балки чинакам орзу, шон-шараф ишига айланди. Бу юртнинг оналари энди фарзанди ҳарбий хизматга боришидан чўчимайди, балки Ватан ҳимояси йўлида хизмат қилишидан фахрланади.

**Гулшод АЗИМОВА**
**ЎзА**

***Шу кунларда юртимизда Ватанпарварлик ойлиги доирасида турли тадбирлар, ҳарбийлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.***

# ҲАРБИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ



Яккасарой туманида жойлашган 127-умумтаълим мактабида ҳам Ватанпарварлик ойлиги муносабати билан тадбир ташкил этилди.

Давра суҳбатига Яккасарой тумани ҳокимлиги, ички ишлар бошқармаси, истеъфодаги ҳарбийлар, афғон уруши қатнашчилари, мудофаа бўлими вакиллари таклиф этилди.

Ўқувчилар томонидан меҳмонларга гул ва эсдалик совғалари берилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўқувчиларга ҳарбийлик давридаги хизматлари ҳақида сўзлаб беришди.

— Бугунги ёшларимиз ҳар томонлама интилувчан, соғлом, улар учун давлатимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилган, — дейди чегара қўшинлари фахрийси, истеъфодаги полковник Исоқжон Юсупов. — Улар бўлғуси ватан ҳимоячилари. Бугунги тадбирда юзма-юз мулоқот орқали мард ва жасур ўғлонларимиз вояга етаётганидан қувондим.

Тадбирда ўқувчилар томонидан тайёрланган шеър, қўшиқ, рақслар ижро этилди.

**Ш.ЗОКИРЖОНОВ**

# ЙИГИТЛИК МАРТАБАСИ

***Мана, армиядан илк мактубни олганимга ҳам йигирма етти йилдан ошибди. Ўшандаги хурсандлигимни айтмайсизми! Ахир, кимдир укам фалончига деб, узоқ юртдан хат ёзса, шодланмай бўладими?!***

Биринчи номани кенжа тоғамдан олганман. Германияда йигитлик бурчини ўтаган эди. Жуда яхши эсимда. Тоғам ҳар тонг бадантарбия қилишни канда қилмасди. Гоҳо тоғамга қўшилиб, машқларни бажаришга уринардим. Баъзан чарчоқдан кўзим тинарди. Олти-етти ёшли болакайга қийин эди бу ҳаракатлар. Тоғам: "Ке, қўй, каттароқ бўлсанг қиларсан", деб майингина эркалаб қўярди.

Бу сўзлар менга куч берарди. Ширин уйқудан воз кечиш осон эмасди. Лекин шу гапни эшитиш учун ҳам уларга ҳамроҳ бўлишни ёқтирардим. Айниқса, тоғамнинг турник машқларини кўзини чирт юмиб, рисоладагидан-да аъло бажаришларини кўриб, ҳавасланардим. Унинг кучга тўлган, бўртиб қолган мушакларини кўриб ҳайратим ортарди. У эпчил, кўркмас эди. Ҳар бир болакай шундай йигит бўлишни орзу қиларди.

Биласизми, тоғам армияга кетгач, қалбим ҳувиллаб қолди. Тепаликка қурилган турник ҳам мунғайиб қолгандек эди, гўё. Унга раҳмим келиб, қошига борволиб, сирлашардим. Дарду ҳасратларим сира тугамасди. Турникни ёлғизлатмаслик-зериктирмаслик учун оёғим остига бирор нарса қўйиб, унга бўйлашадиган, машқлар қиладиган бўлдим.

Қадрдон тоғам йўллаган мактуб мени ўша лаҳзадаёқ улғайтирганди. Юриш-туришларимда ҳам тоғамни такрорлаётганим сезилиб турарди. Мактабдошлару қишлоқдошлар билан мазза қилиб тўп тепишни ҳам унутдим. Тоғамдек кўркам, бақувват, эпчил, довюрак йигит бўлиш орзуси менга тинчлик бермасди. Сўзнинг қудрати-да бу!

Ўқишим тубдан ўзгарди. Қишлоқ кутубхонасидан чиқмай қўйдим. Ота-онам ҳам кутилмаган бу бурилишдан лол. Нима бўлганидан бехабар онам отамга бир неча бор: "Ўғлингиз ҳеч кимга қўшилмай қўйди. Дардини ичига ютиб юрибди, касал бўп қолмасин-да", деган зорланишларини кўп эшитганман. Нима қилай, битта мактуб ҳаётимни остин-устун қилиб юборганди-да.

Мени ўйлантирган саволларга китоблар жавоб бера бошлаган эди. Бора-бора тоғамга кунора мактуб ёзадиган, қилаётган ишларимдан уни хабардор қиладиган одат чиқардим. Тунлари унга Худодан омонлик тилаб ўтинардим. Чунки қишлоғимиздан армияга соппа-соғ кетиб, тобутда қайтганлар сони ортганди-да.

Тоғам хизматини тугатиб, оиласи бағрига соғ-омон қайтди.

Йигитлик мартабаси, бурчи ҳар недан улуғлигини ўша кезларда ҳис қилганман. Бугун ҳам йигитлик бурчи – бахт! Миллий армиямиз сафида йигитлик бурчини адо этаётган ватандошларимиз ҳар томонлама саодатлидир. Чунки уларнинг яқинлари "Боламни қай кўйга солишди экан" деб, эшик тиқ этса, юраги шиғ этмайди. Аксинча, "Менинг болам ҳарбийда, фалон вилоятда, хабарлашиб турибман", дея эмин-эркин айтишади. Кўнгиллари хотиржам. Шу эмасми, осудалик?! Ўз юртингда ўзинг бек! Ота-боболаримиз шуни орзу қилишмаганмиди?!

Ишончим комилки, замонавий армиямиз ҳар қачонгидан мустаҳкам. Ватан ҳимоясида турган ҳар бир ҳарбий юртимизнинг мард ва жасур ватанпарварлари экани, уларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани бор гап.

Мамлакатимиз сарҳадлари, халқимиз тинчлиги ишончли қўлларда. Бугун биз ҳар томонлама юксак малакали, замонавий ҳарбий техника билан қуролланган илғор армияга эгамиз. Ўтган йиллар давомида ҳарбий ислоҳотлар билан боғлиқ стратегик мақсадларга эришишнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Конституциямизнинг 52-моддасида: "Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир", 125-моддасида эса: "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади", деган қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган урушлар, ҳарбий можаролар, ҳар хил хуружлар халқаро хавфсизликка жиддий таҳдид солаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай таҳликали пайтда мустаҳкам миллий армиямизнинг мавжудлиги, ишончлилиги киши кўнглидаги ҳадикка чек қўяди.

**Ғайрат ШИРИНОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Хусусан, иқтисодиётнинг ўзгариши шароитида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосланган мақсадли йўналишларини (индикаторларини) шакллантириш, шунингдек, мавжуд ички ва ташқи омилларни ҳамда ислоҳотларнинг стратегик устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий ўсишнинг янги манбаларини аниқлаш тизими мавжуд эмас.

Иқтисодиётнинг ҳудудий ва тармоқ тараққиёти, шу жумладан, урбанизация салоҳиятини амалга ошириш орқали мутаносибликни таъминлаш учун ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш тизими керакли даражада йўлга қўйилмаган.

Бозор тамойилларини кенг жорий этиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, бозорни рақобатбардош товарлар билан тўлдириш ва уларни ташқи бозорларга йўналтириш ҳажмларини ошириш бўйича зарур тадбирлар ишлаб чиқилмаяпти.

Натижада, барқарор ишчи ўринлари яратиш даражаси пастлигича сақланиб қолаётганлиги аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳолисини барқарор даромад манбаи билан таъминлаш имконини бермайди ва сифатли инсон капиталини ривожлантиришга тўсқинлик қилади.

Иқтисодиёт органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, уларни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш "локомотивига" айлантириш, иқтисодиётни бошқаришнинг бозор механизмларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосан белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги** этиб қайта ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

макроиқтисодий индикаторларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш асосида **иқтисодиётни бошқаришнинг бозор механизмларини жорий этиш** ва иқтисодиётнинг реал сектори ҳолати, ташқи бозорлари конъюнктураси ҳамда глобал ва минтақавий иқтисодий ривожланиш тенденциялари билан боғлиқ ҳолда **иқтисодиёт асосий соҳаларини ривожлантириш стратегиясини шакллантириш**;

**хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва "хуфиёна" иқтисодиёт улушини қисқартириш учун қулай шароит яратиш,** жумладан, иқтисодий жараёнларда давлат иштирокини қисқартириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, молиявий ва ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш қулайлигини таъминлаш, шунингдек, кичик саноат зоналари салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали бунга эришиш;

миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва диверсификация қилишни, шунингдек, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш уйғунлигини таъминлаш мақсадида **ишлаб чиқариш кучларини самарали жойлаштириш, ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида мамлакат саноатини ривожлантириш стратегияларини (моделларини) ишлаб чиқиш;**

инновация ишланмалари ва технологияларини жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлов бериш тармоқларини жадал ривожлантириш ва юқори қўшилган қийматли тайёр рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш асосида **товар бозорлари мувозанатини таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш**;

экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган саноат сиёсатини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш асосида унинг импортга қарамлигини камайтириш орқали **миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш;** шунингдек, республика ҳудудлари ва хорижий давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш;

**урбанизация соҳасида давлат сиёсатини кучайтириш,** ишлаб чиқаришларни оқилона жойлаштириш, турар жойларни муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилма билан биргаликда қуришни инобатга олган ҳолда **урбанизация жараёнларини давлат томонидан самарали тартибга солишни таъминлаш,** шунингдек, ер участкаларига оид замонавий бозор механизмларини жорий этиш;

барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш мақсадида инвестицияларни жалб қилиш соҳалари ва тармоқларини аниқлаш орқали **мамлакатнинг фаол инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш**;

миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва унинг рақобатдошлигини оширишнинг асосий ресурслари ва омилларидан бири сифатида **инсон капиталининг даражаси ва сифатини**, устувор равишда қишлоқ жойларида, **яхшилаш бўйича комплекс таҳлил олиб бориш ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш**;

**иқтисодиёт органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилишини таъминлаш,** кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, вазирлик аппарати ва унинг таркибий бўлинмаларининг, устувор равишда ўзига бириктирилган соҳадаги аниқ натижаларга эришиш, олдига қўйилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариши учун ходимларнинг шахсий жавобгарлигини оширишга йўналтирилган иш шакллари ва усулларини такомиллаштириш;

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда кўмаклашиш,** мамлакатни ривожлантириш давлат дастурлари ва инвестиция дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш доирасидаги лойиҳаларни, уларнинг лойиҳа олди, лойиҳа ва тендер ҳужжатларини, техник топшириқларни экспертизадан ўтказиш бўйича идоралараро комплекс тизимини ташкил қилиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги **мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва индустриал ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатининг стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгилансин**.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурлари ва инвестиция дастурлари Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатли инвестиция сиёсати стратегияси асосида ишлаб чиқилади;

Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатли инвестиция сиёсати стратегияси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепцияси, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш концепциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланган дастур ва қарорлар асосида шакллантирилади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган ва норматив-ҳуқуқий характерга эга қарорларининг ижроси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунувидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлари учун мажбурий ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, унинг тизим ва ҳудудий ташкилотларини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шу жумладан, давлат ривожланиш дастурлари ва инвестиция дастурларини якуний босқичда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишиш Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун киритишдан олдин амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси, кичик саноат зоналари дирекциялари Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ривожланиш давлат дастурлари ва инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларнинг, шунингдек, кичик саноат зоналари ҳудудида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг бажарилиши юзасидан ҳар чоракда маълумот тақдим этиб борадилар;

инвестиция сиёсати стратегияси ижроси Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан давлат ривожланиш дастурлари ва инвестиция дастурларини тайёрлаш ва ижросини таъминлаш орқали амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ўз ваколати доирасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ёки қайта кўриб чиқиш бўйича тақдимнома киритиш ҳуқуқига эга;

кичик саноат зоналари ҳудудида қиймати 7,0 миллион АҚШ доллари эквиваленти ҳисобидан юқори бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича маъмурий кенгашлар қарорлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишилиши лозим;

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига қуйидаги мақсадлар учун шартнома асосида, жумладан, хорижий консультантлар ва экспертларни, шунингдек, техник кўмак ва грант маблағларини жалб қилишга рухсат этилсин:

инвестиция ва саноат сиёсати стратегияларини ишлаб чиқиш соҳасида илғор халқаро тажрибани ўрганиш ва татбиқ этиш, шунингдек, вазирликка юклатилган бошқа вазифалар ва топшириқларни бажариш;

вазирлик ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва индустриал ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича тадқиқотлар ўтказиш, инвестиция сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш;

хорижий мамлакатларнинг тегишли вазирликлари ва идоралари билан самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда ишлаб чиқилган **Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепцияси лойиҳаси** асосида, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш концепциялари ҳамда экспертлар жамоатчилиги орасидаги муҳокамаларнинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда **2019 йил 1 июнга қадар** Концепциянинг, шу жумладан, инвестиция сиёсати стратегиясини ўз ичига олган якуний вариантини белгиланган тартибда киритсин.

7. Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти таркибида институтнинг умумий штат бирлиги доирасида 10 нафар кишидан иборат **Ходимларнинг малакасини ошириш ўқув маркази** ташкил этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) кичик саноат зоналари иштирокчилари учун имтиёз ва преференцияларни уларни амалдаги иштирокчилар учун 2020 йил 1 январгача сақлаб қолган ҳолда бекор қилиш;

б) кичик саноат зоналари иштирокчиларига қуйидаги ҳуқуқларни бериш:

ўз маблағлари ҳисобига қурилган бино ва иншоотларга (ёки уларнинг қисмларига) мулк ҳуқуқини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш;

инвестиция ва бошқа ижтимоий мажбуриятларни тўлиқ бажарган тақдирда, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган давридан бошлаб камида 5 йил муддат ўтгандан кейин, ўзларига берилган бинолар ва иншоотларни (ёки уларнинг қисмларини) хусусийлаштириш;

реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлашни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширган тақдирда, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган давридан бошлаб камида 3 йил муддат ўтгандан кейин, бинолар ва иншоотларни (ёки уларнинг қисмларини) хусусийлаштириш.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра бино ва иншоотларни (ёки уларнинг қисмларини) реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш учун кичик саноат зонаси иштирокчиси томонидан ажратилган маблағлар уларни хусусийлаштиришда ҳисобга олинади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, саноат соҳасидаги хўжалик бошқаруви органлари вазифалари, функциялари ва ваколатларини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар;

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2019 йил 10 январь*

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Йирик қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳар посёлкаларига айлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан, бугунги урбанизация даражаси шаҳарларни комплекс ривожлантириш бўйича замонавий талабларига жавоб бермайди ва жаҳон тенденцияларидан сезиларли даражада қолиб кетмоқда. Бунда урбанизация даражаси ҳанузгача барқарор хусусиятга эга эмас.

Урбанизация жараёнларининг давлат томонидан самарали тартибга солинишини таъминлаш ҳамда ер участкаларининг айланмаси ва улардан фойдаланишда замонавий бозор механизмларини жорий этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар **мамлакатда урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

мутлақо янги уй-жой сиёсатини амалга ошириш асосида урбанизация жараёнларини фаоллаштириш, бунда муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмалар билан таъминланган, ипотекани кредитлаш ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларини жалб қилиш механизмларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан, кам ва ўрта даромадли оилалар учун арзонлаштирилган турар жойларни қуришга йўналтирилган инвестицияларни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус чора-тадбирларни назарда тутиш;

жисмоний ва юридик шахслар учун турар жой ва нотурар жой бино ва иншоотлар остидаги ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини амалга оширишни кафолатлаш, ер участкаларини фуқаролик муомаласига киритиш учун шарт-шароитлар яратиш;

миграция жараёнларини маъмурий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш йўли билан аҳолининг қишлоқ жойларидан шаҳарларга эркин ҳаракатланиш учун шарт-шароитлар яратиш;

йирик шаҳарлар аҳолисининг фаровонлигини таъминлаш, иқтисодий ва саноат ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига ушбу шаҳарлар аҳолисини тўлиқ ва самарали бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, шунингдек, ҳудудлардаги олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари асосида технопарклар ташкил қилиш ва уларнинг тизимини мустаҳкамлаш;

авваламбор саноат, хизмат ва сервис соҳаларида аҳолининг даромадларини ошириш ва барқарор иш жойларини яратиш омили сифатида агломерацияларнинг афзалликларидан фойдаланишни назарда тутган ҳолда ўрта шаҳарларни, шу жумладан, туман марказларини бошқаришда илғор халқаро тажрибани кенг жорий этиш;

йирик шаҳарларга туташ бўлган ва қулай транспорт алоқасига эга йўлдош-шаҳарлар тармоғини кенгайтириш, йирик шаҳарларнинг марказий қисмида саноат ва бошқа зоналар ҳудудларини қисқартирган ҳолда ижтимоий-ишбилармонлик зоналар ҳудудларини кенгайтириш.

2. **2019 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:**

**юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари** уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки улар томонидан хусусийлаштирилаётган бино ва иншоотлар, саноат инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкаларини, шунингдек, уларга туташ ҳудудлардаги ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур миқдордаги **ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқига эга;**

**жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари** уларга якка тартибда уй-жой қуриш ва турар жойга хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини **хусусийлаштириш ҳуқуқига эга;**

кўрсатилган ер участкаларини хусусийлаштириш жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан амалга оширилади;

жисмоний ва юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан хусусийлаштирилган ер участкалари **хусусий мулк (фуқаролик муомаласи объектлари) ҳисобланади ва дахлсиздир**, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунига мувофиқ давлат томонидан муҳофаза қилинади;

ер участкаларини хусусийлаштириш **фақатгина кадастр ҳужжатлари мавжуд бўлган ҳолда** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорларда **пуллик асосда** амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикасининг **"Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"**ги қонуни лойиҳасини киритсин;

2019 йил 1 июнга қадар хусусийлаштириладиган ер участкалари учун табақалаштирилган тўловлар миқдорлари, шунингдек, уларни тўлаш тартибини белгиловчи ҳукумат қарорини қабул қилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, шунингдек, маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда 2019 йил 1 июлга қадар белгиланган тартибда, шу жумладан, комплекс уй-жойлар қурилиши ҳисобидан янги шаҳарлар ва йўлдош-шаҳарлар ташкил этишни назарда тутадиган **Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача урбанизацияни ривожлантириш Концепциясини** (кейинги ўринларда – Концепция) тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

4. Қуйидагилар:

а) **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Урбанизация агентлиги** (кейинги ўринларда – Агентлик) ташкил этилсин унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

урбанизацияни тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

саноатлаштириш сиёсатининг суръатлари, босқичлари ва натижаларини узоқ муддатли режалаштириш, шаҳар ва қишлоқлардаги узоқ муддатли демографик тенденцияларни таҳлил қилиш, жадал саноатлаштириш шароитида шаҳарларнинг демографик сиғимлари ҳамда ишчи кучига бўлган эҳтиёжларини ҳисоблаш;

"ўсиш полюслари"ни аниқлаш, бошқарув марказлари жойларини танлаш, таълим, меҳнат бозорини шакллантириш, ички ва ташқи миграция соҳаларидаги сиёсатни келишиш;

қишлоқ аҳолисини янги саноат ихтисосликларига ўқитиш ва қайта тайёрлашга қаратилган қатор институционал ва ташкилий чора-тадбирларни белгилашни назарда тутувчи, ишчи кучининг қишлоқлардан шаҳарларга ҳаракатланишини рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш;

илғор, энергия тежовчи, экологик тоза технологиялар ва материалларни жорий этиш асосида ҳамда ижтимоий, муҳандислик-коммунал ва йўл-транспорт инфратузилмаларини қамраб олган йўлдош-шаҳарлар бунёд этилишини ҳисобга олган ҳолда шаҳар агломерацияларини шакллантиришни бошқариш;

жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда шаҳар аҳолисини жойлаштириш тизимини комплекс ривожлантиришни тартибга солиш, кичик, ўрта, катта ва йирик шаҳарларнинг самарали нисбатини шакллантириш;

б) **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Урбанизацияни ривожлантириш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин ва унинг асосий фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган барча маблағларни жамлаш;

Концепция доирасида барпо этиладиган янги шаҳарлар ва йўлдош-шаҳарларнинг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек, улар учун зарур бўлган муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилма объектлари қурилишини молиялаштириш;

кейинчалик тушган маблағларни жамлаган ҳолда зарур инфратузилмаларга эга ер участкаларини аукцион савдолари орқали сотиш;

ипотекани кредитлашнинг янги шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўрта ва узоқ муддатли ипотека облигацияларини чиқариш ҳамда уларни институционал инвесторлар орасида жойлаштириш орқали ипотека бозорини ривожлантириш, шунингдек, миллий ипотека бозорини ривожлантириш мақсадида халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Қурилиш вазирлиги, "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК, "ТошкентбошпланЛИТИ" ДУК ва "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ билан биргаликда табиий-иқтисодий салоҳиятни аниқлаш мақсадида йирик шаҳарларга туташ аҳоли пунктларини инвентаризациядан ўтказишни таъминласин, амалга оширилган ишлар натижаларига кўра 2019 йил 1 ноябрга қадар тизимли урбанизация жараёни амалга оширилишини, янги саноат корхоналарининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари билан комплекс жойлаштиришни ҳисобга олган ҳолда ўрта муддатли даврда йўлдош-шаҳарларга айлантириладиган аҳоли пунктлари рўйхатини шакллантирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Агентлик томонидан режалаштирилган аҳолини рўйхатдан ўтказиш ишларининг натижаси ҳамда халқаро талаблар бўйича урбанизация даражасини ҳисоблаш методологиясидан келиб чиққан ҳолда, шаҳар аҳолисининг ҳисобини юритиш ва статистик ҳисоботларни такомиллаштиришни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Агентлик, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар **2020-2025 йилларда комплекс уй-жой қуриш давлат дастурларининг асосий прогноз параметрларини тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини** белгиланган тартибда киритсин, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

бўш турган ер участкалари, яшаш учун яроқсиз бўлган турар жойлар ҳудудларини, шунингдек, фойдаланилмаётган ёки самарасиз фойдаланилаётган бино ва иншоотларни, кейинчалик уларни инфратузилмавий ривожлантириш ва сотиш учун Жамғармага беришни назарда тутган ҳолда, хатловдан ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг илгари қабул қилинган қарорларига мувофиқ амалга оширилаётган уй-жойлар қуриш бўйича амалдаги давлат дастурларини босқичма-босқич мақбуллаштириш, бўшайдиган маблағларни комплекс уй-жой қуриш давлат дастурлари доирасида тегишли уй-жойларни қуришга йўналтириш;

комплекс уй-жой қуриш давлат дастурларини уларга мос равишда молиялаштириш манбалари, қурилиш материаллари ресурслари ҳамда пудратчи қурилиш ташкилотлари қувватлари билан таъминлаш;

қурилаётган бино ва иншоотларнинг муайян қисмини фақат муқобил энергия манбалари билан жиҳозлаш ва таъминлаш бўйича мажбурий талабни белгилаш.

Белгилансинки, Жамғармага берилган бўш турган ер участкалари, яшаш учун яроқсиз бўлган турар жой бинолари ҳудудлари, шунингдек, фойдаланилмаётган ёки самарасиз фойдаланилаётган бино ва иншоотлар хусусийлаштирилган ҳисобланади ва кейинчалик белгиланган тартибда қурувчиларга сотилиши мумкин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Агентлик:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда Концепцияни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини тегишли ҳудудлар ва аҳоли пунктларининг бош режаларига мувофиқ аниқлайди;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Концепция доирасида белгиланган ер участкаларида зарур муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жойлаштириш юзасидан назоратни таъминлайди.

9. **Ўзбекистон Республикасида урбанизацияни тартибга солишни таъминлаш бўйича "Йўл харитаси"** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмаларига мазкур "Йўл харитаси"нинг ижро ҳолати тўғрисидаги ахборотни киритиб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар тадбиркорлик, истеъмол, ипотека ва бошқа кредитлар юзасидан банкка мурожаат қилиш жойи бўйича рўйхатда туриш мажбурийлиги ҳақидаги талабни бекор қиладиган кредитлашнинг янги тартибини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда шартнома асосида мустақил консультантлар ва экспертларни, техник кўмак маблағлари ва грантларни жалб қилган ҳолда, урбанизация соҳасида энг муҳим халқаро рейтинглар ва индикаторларнинг кўрсаткичлари, уларни шакллантириш методологиялари чуқур ўрганилишини таъминласин, шунингдек, кўрсатилган рейтингларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича таклифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Урбанизацияни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини, унинг маблағларини шакллантириш манбалари ва улардан фойдаланиш тартибини назарда тутган ҳолда, ташкил этиш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва оммавий ахборот воситаларига мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ҳамда унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини кенг ёритиш тавсия этилсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2019 йил 10 январь*

Ахборот-коммуникация технологиялари

# ЁШ ДАСТУРЧИ ҚИЗЛАР ТАНЛОВИ

***Ўзбекистонда “Technovation Uzbekistan” республика танлови ментор ва иштирокчиларини рўйхатга олиш бошланди. Ушбу танлов 10 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасида ўтказиладиган “Technovation Challenge” халқаро танловининг саралаш босқичи ҳисобланади.***

Танлов Ўзбекистон Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ёшлар иттифоқи, БМТ Тараққиёт дастури, Тошкентдаги Инҳа университети ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Инновацион ривожланиш вазирлиги маълумотларига кўра, “Technovation Challenge” халқаро танлови 2010 йилдан буён дунёнинг қарийб 80 мамлакатида ўтказиб келинмоқда. Улар орасида Ўзбекистон ҳам бор. Технологик ишланмалар танлови доирасида қизлар жамоаларини ташкил этиш кўзда тутилган. Унда иштирокчилар устоз ва мураббийлар раҳбарлигида долзарб муаммони аниқлаши, уни ҳал этиш учун илова яратиши, лойиҳани тижорат жиҳатидан амалга ошириш учун компания тузиши керак бўлади. Ушбу дастурда қатнашиш қизларда танқидий фикрлаш, тадбиркорлик ва дастурлаш, жамоада ишлаш ва аудитория билан мулоқот қилиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонлик қизлар “Technovation Challenge” халқаро танловида учинчи маротаба иштирок этмоқда. Ўтган йили мамлакатимизнинг “Generation Z” қизлар жамоаси кичик ёш гуруҳи бўйича дунёнинг олтита энг кучли жамоаси қаторига кирди ва танловнинг Калифорния (АҚШ)да бўлиб ўтган финал босқичида мамлакатимиз шаънини ҳимоя қилди.

Жорий йилда жамоалар икки гуруҳ – 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган ва 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган гуруҳларга бўлинади. Уларга тажрибали мураббийлар бириктирилади ва улар 3 ой мобайнида замонавий дастурий маҳсулотларни дастурлаш ва ишлаб чиқиш кўникмаларини ўрганадилар. Ушбу билимлар қизларга аниқ муаммони ҳал этишга қаратилган мобиль иловаларни яратиш имконини беради. Танловнинг республика босқичи якунида иштирокчилар ўз бизнес-режасини тузиб, ҳайъат аъзолари эътиборига қисқа видео-тақдимот ҳамда лойиҳаларини ҳавола этади. Республика саралаш босқичи ғолиблари “Technovation Challenge” танловининг онлайн-режимида ўтказиладиган ярим финал босқичига йўлланма олади.

Таниқли олим, дастурчи ва бизнесменлардан иборат халқаро ҳайъат аъзолари юзлаб иштирокчиларнинг ишлари билан танишиб, 10 нафар финалчини саралаб олади. Айнан ана шу жамоа танловнинг Сан-Франциско (АҚШ)да бўлиб ўтадиган якуний босқичида иштирок этади.

**Роман БОНДАРЧУК**



Футбол янгиликлари

# ЎЗБЕКИСТОН — НИМЧОРАК ФИНАЛДА

***БААда футбол бўйича давом этаётган Осиё кубогининг гуруҳ босқичи 2-тур баҳслари “F” гуруҳи вакиллари — Ўзбекистон — Туркманистон миллий терма жамоалари ўртасидаги учрашув билан якунига етди.***

Айтиш жоизки, 1-турда Эктор Купер шогирдлари гарчи Уммон терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлуб этган бўлсаларда, футболчиларимизнинг ўйинидан мутахассислару, мухлисларнинг кўнгли тўлмаганди. Аммо, Эктор Купер терма жамоамиз футболчилари билан йўл қўйилган хатолар устида жиддий иш олиб борганлиги Туркманистонга қарши беллашувда сезилди. Чунки 2-турда футболчиларимиз бутунлай ўзгача, ҳимояни унутмаган ҳолда ҳужумкор, тезкор, комбинацион ўйин намойиш этишди ва якунда 4:0 ҳисобида зафар қучишди. Бош мураббий бу сафар майдонга И.Нестеров, И.Тўхтахўжаев, А.Исмоилов, О.Зотеев, А.Шораҳмедов (Д.Ҳошимов), О.Шукуров, О.Аҳмедов (Ф.Мусаев), Ж.Машарипов, Д.Ҳамдамов, Ж.Сиддиқов (И.Алибоев), Э.Шомуродовларни туширди. Таркибда умидли ёш футболчиларга ишонч билдирилгани ўзини оқлади. Таъкидлаш лозимки, футболчиларимиз ўйинда рақибларидан ҳар жиҳатдан маҳоратли эканликларини исботлашди. Туркманистонликлар дарвозаси олдида яратилган кўплаб хавфли вазиятлар сабаб, биринчи бўлимдаёқ Ж.Сиддиқов, Э.Шомуродов (2 та), Ж.Машарипов 4 та голга муаллифлик қилишди. Ҳамюртларимизнинг устунлигида кечган иккинчи бўлимда ҳам рақиб дарвозасига кўп марта хавфли ҳужумлар уюштирилди. Бироқ 4:0 ҳисоби ўйин охирига қадар ўзгармай қолди.

Миллий терма жамоамиз ушбу ғалабадан сўнг 6 очко жамғарган ҳолда гуруҳда биринчи ўринга кўтарилиб олди.

Ушбу гуруҳдаги Уммон – Япония учрашуви 1:0 ҳисобида кунчиқар юрт вакилларининг ғалабаси билан якунланди.

Иккинчи турнинг қолган беллашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Бахрайн — Таиланд — 0:1, Ҳиндистон — БАА — 0:2, Иордания — Сурия — 2:0, Фаластин — Австралия — 0:3, Қирғизистон — Жанубий Корея — 0:1, Вьетнам — Эрон — 0:2, Яман — Ироқ — 0:3, Ливан — Саудия Арабистони — 0:2, Шимолий Корея — Қатар — 0:6.

Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳдаги сўнгги ўйинини 17 январь куни Японияга қарши ўтказади. Бу баҳсдаги дуранг натижа ҳам ҳамюртларимизга кифоя қилади.

Биз миллионлаб мухлислар кейинги учрашувларда ҳам терма жамоамизга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Бир ҳакимдан сўрадилар:**

**— Нима учун устозни отангдек яхши кўрасан?**

**— Устоз абадий тириклигимнинг сабаби, отам эса жону ҳаётимнинг сабаби, — деб жавоб қилди у.**

* * *

**Олимлар: Адабсиз ақл, ақлсиз адаб йўқ, — дейдилар. Демак, ақл ва адаб бир-бирига боғлиқ. Инсонда ҳар иккиси мавжуд бўлсагина, у ҳақиқий камолот эгаси бўлади.**

* * *

**Дунё яхшилар ҳисобига туради.**

* * *

**Айтадилар:**

**— Одоб икки хилдир: хизмат одоби ва ҳикмат одоби. Ҳикмат одоби поклик ва тўғри йўлга етаклайди. Хизмат одоби эса юксак мартабага етказади. Ҳар иккиси ҳам улуғ фазилат.**

* * *

**Одамларнинг камчилиги устидан кулиш, инсоннинг руҳий ёки жисмоний нуқсонларидан завқ олиш шу инсоннинг ўзида нуқсон борлигини билдиради.**

* * *

**Икки киши сўзлашиб турганда сўзларини бўлиш фаросатсизлик белгиси.**

* * *

**Бугун қўлда бор экан йигитликнинг даврони,**
**Ғайрат қил, оғримасин сендан ҳеч кимнинг жони!**
**Яхшиликнинг баҳори доим бир хил турмайди,**
**Бир кун нуқсон етару, пайдо бўлар хазони!**

* * *

**Оилага муҳаббат – Ватанга садоқат.**

* * *

**Бир болага етти қўшни ота-она.**

* * *

**Оила – фароғатинг, фарзандлар – ҳаловатинг.**

* * *

**Оиланг қўш-қанотинг.**

* * *

**Оналик уйнинг ори бор, оталик уйнинг зари.**

* * *

**Ота ақл – она идрок.**

* * *

**Ота билак – она юрак.**

* * *

**Аёлнинг сариштаси – оиланинг фариштаси.**

Ўқинг, бу қизиқ!

# МЕВА-САБЗАВОТЛАРНИНГ ФОЙДАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

***Танишинг: эътиборингизга киши саломатлигига фойдали ҳисобланган, бироқ одатда унчалик “назарга” илинмайдиган 7 та номдаги маҳсулотларнинг бизга маълум бўлмаган хусусиятларини ҳавола этамиз.***

Инсон ўз саломатлигини сақлаш учун нималар қилмайди дейсиз. Вақти келса шўр ва ёғли маҳсулотлардан тийилиш зарур. Лозим бўлганда “қуруқ” парҳезга ҳам “ўтириш”га тўғри келади. Айрим ҳолларда ширинликдан тийилиш заруриятга айланади. Буни қарангки, ўз соғлигини ўйлаб ҳар бир муолажани ўз “синови”дан ўтказиб турувчи қизиқувчилар учун ғарб олимлари мева-сабзавотларнинг антиқа еттилигини тавсия этмоқда.

**Олча.** Сир эмас, кўпчилигимиз нордон таъмли олчага нисбатан ширинроқ таъмга эга бўлган йирик гилосларни хуш кўрамиз. Буни қарангки, ширинликка учиб хато қиларканмиз. Олча таркибида кексалик аломатлари ва касалликлари билан курашувчи антиоксидант моддалар миқдори кўп бўлиб, у шамоллаш ва яллиғланишнинг олдини олишга ҳам ёрдам беради. Айниқса, нордон таъмлилари!

**Киви.** Тўғри, бу тропик мева бироз тансиқроқ ва албатта бошқа меваларга нисбатан қимматроқ. Майин тукли қопламидан ажратиб олиш ҳам бироз ноқулайлик туғдиради. Бироқ бир дона кивида организм учун зарур бўлган бир суткалик витамин “С” меъёрнинг тахминан 115% мавжуд экан. Бунинг устига у вазн сақлаш мувозанатига таъсир этмайди, яъни семиртирмайди, чунки у атиги 45 килокалория қувватга эга.

**Балиқ.** Юрак қон-томир тизими ва мия фаолиятининг меъёрда ишлаши учун балиқнинг тана тўқималари таркибида бўлган моддаларнинг аҳамияти беқиёс. Шифокорларнинг таъкидлашича, соғлом киши бир йилда камида 4–5 кг. балиқ гўшти ейиши зарур экан. Уни қовуриб, қайнатиб, яна димлаб ҳам ейиш мумкин. Дудланган ва консерваланган балиқ маҳсулотлари эса ўз йўлига. Муҳими, балиқ гўшти таркибидан организмни турли касалликларга қарши курашда ёрдам берадиган, айниқса мия фаолияти учун зарур моддаларнинг мавжудлиги. Оилавий балиқхўрлик анъаналари эса ҳар томонлама фойдали.

**Зиғир уруғи.** Орамизда кўпчилик кунгабоқар пистасини хуш кўриши сир эмас. Таркиби ёғ ва оқсилга бой писта қанчалик ширин ва мароқли эрмак бўлмасин, оғиз бўшлиғи касалликлари келтириб чиқарувчи омил бўлиб қолаверади. Бунинг устига у кўз илғамас “тезликда” семиртиради ҳам. Зиғир уруғи таркибида эса лигнан гуруҳига кирувчи моддалар мавжуд бўлиб, организм бедаво дардларга чалинишининг олдини олади ва овқат ҳазм қилиш тизимини меъёрлаштиради. Яна бир устунлиги, унинг пўстлоғи йўқ, тишингиз орасига кириб асабийлаштирмайди ҳам. Таъми ёқимсизроқда десангиз, салатга ёки бўтқага аралаштириб истеъмол қилинг ва фойдали моддалардан баҳраманд бўлинг.

**Сут зардоби.** Юзингизни буриштирманг, ахир у сиз севиб истеъмол қиладиган пишлоқ ва творог тайёрлашдан қоладиган иккиламчи маҳсулот. Шундай бўлсада у жуда фойдали. Ишонмайсизми? Унда қулоқ тутинг: биринчидан, сут зардоби оқсил моддасига бой. Бундай оқсил ҳам фойдали, ҳам ортиқча вазн тўпланишига олиб келмайди. Бундан ташқари, қайта ишлаш оқибатида ушбу оқсилнинг тузилиши энди қорамол сутидан кўра кўпроқ она сутига ўхшаш ва осон ҳазм бўлади. Шунинг учун ҳам болалар учун ишлаб чиқарилган тайёр бўтқаларнинг кўпчилиги сут зардоби ёрдамида тайёрланади. Иккинчидан, унинг таркибида меъда ичак фаолиятини меъёрлаштирадиган ачитқилар мавжуд.

**Карам.** Озишни истаган баъзи кишилар қуёнлар каби “кемириб” юрадиган оддий карам. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, карам таркибида бедаво дардга (онкологик касалликларга) қарши индол ва сульфорафан моддалари, суяклар мустаҳкамлиги учун кальций, қон айланиш тизими учун темир моддаси бор экан. Бундан ташқари, ҳаёт учун зарур аминокислоталар — витамин “А”, “С” ва “К”лар мавжуд. Улар кўз фаолияти, иштаҳа очилиши, қон ивишини таъминлашга хизмат қилар экан. Кам калорияга эга бўлгани учун ҳам организмдаги ортиқча ёғ қатламларининг эришига хизмат қилади ва меъда фаолиятига зарур бўлган клетчаткага бой.

**Кокос.** Бу тансиқ тропик мева ҳар доим ҳам дастурхонимиз безаги бўлавермайди. Қоматини қатъий дастур орқали сақлайдиган қизлар уни ҳаддан ортиқ ёғли деб ҳисоблашлари ҳам бор гап. Ҳақиқатан ҳам кокос таркибида бошқа ёнғоқ мевалар каби ёғ миқдори мавжуд. Бироқ бу организмда тўпланиш хусусиятига эга бўлмаган ёғ. Кокос ёғини зарарли хусусиятларга эга пальма ёғи билан адаштирманг! Кокос мевасининг таркибидаги минерал тузлар, темир ва кальций моддаси ҳамда витаминлар организм учун фойдали.

Ғарб олимларининг антиқа еттилик тавсиясида айрим ҳақиқатлар мавжуд. Буни инкор қилолмаймиз. Бироқ жаннатмакон ўлкамизнинг мева ва сабзавотлари ҳар қандай “антиқалик”дан устун. Қуёшга тўйинган ҳар қандай мевачеваю сабзавот, бир-биридан ширин полиз экинлари, иликни тўлдирадиган гўшт, сут ва балиқ маҳсулотлари кони фойда. Фақат тўғри истеъмол қилиш ва меъёрни билсангиз бўлди.

**О.ЯХШИБОЕВ тайёрлади**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Фарида Йўлдошевна Абдураҳимовага волидаи муҳтарамаси
**ХОЛИДА аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 35-уйда жойлашган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бектемир минибанки биносини Капитал таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳачи ташкилотлар ўртасида

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 49-уй. Тел: (371) 212-37-98.

Ишларни бажариш қиймати фоиз ҳисобда ва аниқ муддатлари кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент вилояти Зангиота тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 31.07.2018 йилда №626023 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган “QUALITY PAPER FACTORY” МЧЖ (СТИР 305677277) таъсисчининг 14.01.2019 йилдаги №1-2019 қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Зангиота тумани, Хонобод, Саъдий кўчаси, 31-уй манзилида қабул қилинади.

Тел: +99890 934-17-77.

Акциядорлик тижорат Халқ банкининг Тошкент шаҳар Сергели филиали янги маъмурий бино қуриш ишларини амалга ошириш мақсадида ЛОЙИҲА (СМЕТА) ҲУЖЖАТЛАРИНИ ишлаб чиқиш учун

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Унда қурилиш бўйича фаолият юритувчи барча фирмалар иштирок этиши мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 9-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (371) 281-45-98, (371) 281-47-13.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **15 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига — 12-17 метр тезликда шамол эсади.*

*Ҳарорат кечаси — 4-6, кундузи — 6-8 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **15 январда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г-146
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2918 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 15:15
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ